

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОСТОНОВ ФИРУЗ ИСТАМ ЎҒЛИ

**КРЕМНИЗОЛ ВА (ОЛИГО) ПОЛИМЕРЛАР АСОСИДА
ГИБРИД КОМПОЗИТЛАРНИНГ ОЛИНИШИ,
ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Остонов Фируз Истам ўғли

Кремнизол ва (олиго) полимерлар асосида гибрид композитларнинг
олиниши, хоссалари ва технологияси..... 3

Остонов Фируз Истам угли

Получение, свойства и технология гибридных композитов на основе
кремнезоля и (олиго)полимеров..... 21

Ostonov Firuz Istam ugli

Obtaining, properties and technology of hybrid composites based on kremnizol
and (oligo)polymers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОСТОНОВ ФИРУЗ ИСТАМ ЎҒЛИ

**КРЕМНИЗОЛ ВА (ОЛИГО) ПОЛИМЕРЛАР АСОСИДА
ГИБРИД КОМПОЗИТЛАРНИНГ ОЛИНИШИ,
ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Т2783 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.tkti.uz>) ҳамда «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Воҳид Ниҳомович
техника фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Адилов Равшан Иркинович
техника фанлари доктори, профессор

Ўринов Улугбек Комилжонович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «18» 03 2023 йил соат «9:00» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоний кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар ҳади).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (431 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоний кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2023 йил «14» 02 кунин таркатилди.
(2023 йил «14» 02 даги №506 рақамли реестр баённомаси).




С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор


Г. Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда турли хил кимёвий хоссага эга бўлган моддалар иштирокида импорт ўрнини босувчи композицион материаллар ишлаб чиқариш саноатида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Бугунги кунда таркибий жиҳатдан термик барқарорлиги паст бўлган кимёвий моддаларнинг аралашмалари асосида композицион материаллар олиш технологиясидан фойдаланиб келинмоқда. Шунга кўра, термик барқарорлиги, радиацион ва механик чидамлилиги юқори бўлган органик ҳамда ноорганик гибрид ионитларни синтезлаш асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда коллоид кремнизол ва органик бирикмалардан фойдаланиб, зол-гел усули асосида кремний диоксидли материаллар ҳамда органо-ноорганик композитлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга кўра таркибий жиҳатдан механик, магнит, оптик-электрон хоссага эга бўлган материалларнинг механик мустаҳкамлигини ва термик барқарорлигини ошириш имконини берувчи кремнизол ва (олиго) полимерларни синтез қилиш асосида ионитлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда биокимё, тўқимачилик, кимё ва нефт-газ саноати корхоналарини модернизация қилиш, хомашёларнинг янги заҳираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, хусусан рақобатбардош ионитлар синтез қилиш ҳамда сув тайёрлаш жараёнларида қўллаш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётга кам сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспорт боб маҳсулотларни тайёрлаш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, кремнизол ва (олиго) полимерларни синтез қилиш, реакция боришининг муқобил шароитларини аниқлаш асосида гибрид композитлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисида»ги, 2018 йил 12 январдаги ПҚ-24-сон «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ацетилен асосида азот сақлаган винил ҳосилалар синтези бўйича дунё олимларидан: Б.А.Трофимов, О.Н.Темкин, Р.М.Флид, Л.Б.Фишер, И.Л.Котляревский, А.А.Петров, Б.Гусев, А.В.Шелкунов, Пару Рам Пао, Л.Панивника, Ёко Ямамото, Биао Жианг кабилар ўз хиссасини қўшишган. Мазкур тадқиқот йўналиши бўйича ўзбек олимларидан: А.Г.Махсумов, К.М.Ахмеров, Т.С.Сирлибоев, Д.Юсупов, А.Икромов, Б.Ф.Мухиддинов, С.Э.Нурмонов, Р.Назирова, Ф.А.Магруппов, А.Рахмонбердиев, А.Т.Жалилов, Д.Юсупов, С.М.Туробжонов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-37-22- рақамли «Антибактериал композиция учун таркиб ишлаб чиқиш ва технологиясини яратиш» (2021-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коллоид кремнизол ҳамда таркибида азот сақловчи гетероциклик композит бирикмалар асосида гибрид ионитларни синтез қилиш ва технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

винилморфолин, метилметакрилат (ММА) ҳамда акрил кислота асосидаги сополимерларни синтез қилиш;

зол-гел усулини қўллаш орқали коллоид кремнизол ҳамда азот сақловчи гетероциклик бирикмаларнинг винил ҳосилалари иштирокида гибрид композитларни олиш;

замонавий тадқиқот усулларини қўллаш асосида гибрид композитларнинг таркиби ва тузилишини тадқиқ қилиш;

олинган композитларнинг металл ионларига нисбатан сорбцион фаоллигини тадқиқ қилиш;

органно-ноорганик гибрид композитни олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ацетилен, морфолин, метилметакрилат, акрил кислотаси, пиридин, пиримидин ҳамда коллоид кремнизол олинган.

Тадқиқотнинг предмети кремнизол ва олиго полимерлар асосида гибрид композитлар олиш жараёнининг оптимал параметрлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Физик кимёвий тадқиқот усуллари ИК-спектроскопия, титриметрик, квант-кимёвий (РМЗ, МНДО-3) ярим эмпирик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

винилморфолин ва бошқа гетероциклик бирикмаларнинг винил ҳосилаларини диметилформаид эритмасида ММА, АК билан радикал каталитик сополимерланиши натижасида олинган сополимерлар ва коллоид кремнизол асосида янги гибрид композитларни олиш жараёни асосланган;

органик сополимерлар билан уч ўлчамли кремний диоксиднинг мустаҳкам боғланганлиги композитларнинг юқори термик ва кимёвий барқарорлигини таъминлаши аниқланган;

гибрид композитларнинг таркибида сорбцион марказлар мавжудлиги асосланган;

винилморфолин-ММА ва винилморфолин-АК сополимери асосидаги композитларнинг металл ионларини сорбциялаш жараёни ҳарорат ўзгаришига боғлиқлиги асосланган;

синтез қилинган азот сақловчи сополимерлар ва коллоид кремнизол асосидаги гибрид протон ўтказувчи ионитларнинг олиниш технологияси амалий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

морфолин, пиридин ва пиримидин ацетилен билан атмосфера босимида виниллаш натижасида винил ҳосилалари синтезининг муқобил режимлари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган винил ҳосилаларининг метилметакрилат ҳамда акрил кислота билан ҳосил қилган сополимери кремнизол билан ишлов берилиб сорбцион марказларга эга гибрид ионитлар олинган;

статик ва динамик режимларда металл ионларини танлаб сорбцияловчи ионитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, замонавий текшириш усуллари орқали (ИК-спектроскопия, электрон микроскопия, термомеханик анализ) шунингдек ушбу йўналишдаги бошқа тадқиқот натижаларини ўзаро солиштириш ва ишлаб чиқаришда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти винилморфолин ва метилметакрилат (ММА), акрил кислота асосидаги сополимерлар синтез қилишнинг мақбул шароитини аниқлаш, коллоид кремнизол ва азот сақловчи гетероциклик бирикмаларнинг винил ҳосилалари иштирокида зол-гел синтез усули орқали гибрид композитларни яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган композитлар кислотали эритмаларда металлларнинг ионларига нисбатан юқори сорбцион фаолликга эгаллиги, металл бўйича статик сорбцион ютиш коэффициенти ва механик мустаҳкамлиги юқорилиги, технологик эритмалардан ионларни ажратиб олувчи материаллар сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зол-гел усули билан янги гибрид ионитларни синтез қилиш бўйича амалга оширилган илмий натижалар асосида:

олинган орғано-ноорғаник гибрид ионитнинг кристалл шаклли намунаси «Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси марказий илмий

тадқиқот лабораторияси»да амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 12 сентябридаги 23.01-01-04/586-сон маълумотномаси). Натижада, олинган ионитларнинг мис, алюминий, никел каби ионларни сорбцион ютиш қобилиятини 1,24 мартага яхшилаш имконини берган;

юқори мустаҳкамликка эга бўлган донатор гибрид композит «Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси марказий илмий тадқиқот лабораторияси»да амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 12 сентябридаги 23.01-01-04/586-сон маълумотномаси). Натижада, таркибидаги кремний оксиди ҳисобига ионитнинг механик мустаҳкамлигини 1,22 мартага ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 4 та илмий мақола, 2 таси хорижий журналларда 2 таси республика илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кремнизол ва у асосидаги тадқиқотларнинг ривожланиш истиқболлари ва замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида, кремнизол ва силикатлар кимёсининг ривожланиш тенденциялари, самарали ионитларнинг яратилиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиш истиқболлари ва замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, натижада мазкур тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган.

Диссертациянинг **«Кремнизол асосидаги органик ионитларнинг синтези ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектини танлаш, реагентларни таёрлаш услубиёти, синтезни амалга ошириш тартиби ва синтез қилинган ионитларни механик, сорбцион ва кимёвий тадқиқ қилиш методлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси»** деб номланган учинчи боби тўрт қисмдан иборат. Азот сақловчи гетероциклик


бирикмалар асосидаги сополимерлар синтези ва уларнинг хоссалари тадқиқида азот сақловчи гетероциклик бирикмалар винил эфирлари билан АКнинг сополимерланиши диметилформаид (ДМФА) эритмасида динитрил азобисизомой кислота (ДАК) иштирокида 60°C ҳароратда 6 соат давомида амалга оширилди. Спирт, ДМФА, ДМСО, тетрагидрофуранда (ТГФ) эрийдиган оқ рангли кукунсимон маҳсулотлар олинди. Радикал сополимерланиш винил гуруҳи бўйича бориши аниқланди. Винилморфолин, винилпиридин, винилпеперидиннинг акрил кислота иштирокида коллоид кремнизол матрицалигидаги реакцияси куйидаги схема бўйича боради.



Винилморфолин, винилпиридин, винилпеперидиннинг метилметакрилат иштирокида коллоид кремнизол матрицалигидаги реакцияси эса куйидаги схема бўйича боради. Дастилабки реакцияга киришувчи компонентларнинг миқдорларини олинган маҳсулот унуми, қовушқоқлиги ва молекуляр массаларига таъсири ўрганилди. Бунда реакцияга киришувчи компонентларнинг миқдори 1:9 дан 9:1 гача оралиқда ўзгартирилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, инициатор сифатида ДАКдан фойдаланиб реакция 60 С ҳароратда олиб борилди. Жараёнда реакцияга киришувчи моддаларнинг дастилабки нисбатига мувофиқ реакция параметрларининг (унум, қовушқоқлик, молекуляр масса) ўзгариши ўрганилиб, натижалар олинди.

Криоскопик усулда сополимерлар молекуляр массаларининг катталиклари 110 000 дан 300 000 гача ташкил қилиши аниқланди.




Дастлабки аралашмада карбонил сақловчи винил мономернинг улуши ортиши билан сополимерларнинг молекуляр массалари кўпайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида винил гуруҳнинг полимерланишга мойиллиги юқорилиги билан изоҳланади. Зол-гел усули билан қайд этиб ўтилган система сополимерлари ва кремнизол асосида янги гибрид композитлар синтез қилинди. Композитларнинг юқори термик ва кимёвий барқарорлик хоссасини органик сополимерлар ёрдамида мустаҳкам боғланган уч ўлчамли кремний диоксид таъминлайди. Қайд этиб ўтилган система сополимерлари асосидаги композитларнинг оралиқ металл ионларини адсорбциялаши аниқланди. Адсорбцияланиш, композитлар таркибидаги сополимерларнинг кимёвий фаол гуруҳлари иштирокида оралиқ металл ионларининг комплекс ҳосил бўлиши ҳисобига содир бўлади.

Сополимерланиш жараёнида кремнизол иштирокининг тадқиқи. Зол-гел синтез – гибрид органик-ноорганик композитларни олиш усулларида биридир. Бу усул билан гибрид композитларнинг олиниши янги ва жадал суръатларда ривожланаётган йўналишлардан ҳисобланади. Зол-гел синтезнинг маҳсулотлари юқори термобарқарорлиги ва механик мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Бойитиш жараёнларида, табиий ва оқава сувларни тозалашда,

аналитик амалиётда кенг қўлланилади. Бундай ёндашувнинг қўлланилиши синтез қилинадиган моддалар таркибига функционал, шу жумладан термодинамик мос келмайдиган, бирикмаларнинг деярли чексиз ассортиментини киритиш имконини беради.

Композицион материаллар матрица ва тайёр органик сополимерни аралаштириш йўли билан шакллантирилди. Гибрид композитларни синтез қилишнинг бундай усулида органик мономерни полимерлаш босқичидан воз кечилади ва материал бир жинслигининг юқори даражасига эришилади.

Олинган маҳсулот куйи молекуляр модда бўлиб, глобуляр шаклдаги заррачаларининг ўлчами 37-74 нм, солиштирма сирти 175 м²/г га тенг бўлган аморф структурага эга (1-расм).



А



Б

1-расм. А- коллоид кремниолнинг тасвири .Б-синтез қилинган ионитнинг тасвири

Олинган композит материаллар қаттиқ кукунсимон моддалар бўлиб, сувда, ноорганик кислоталар эритмаларида ва органик эритувчиларда эримади, термик барқарор (1-жадвал).

1-жадвал


Азот сақловчи полибирикмалар асосидаги композитларнинг хусусиятлари

Композит	Микдори, % масс.		SiO ₂ микдори, % масс.	Унум, %	T _{пар.} , °C	T _{шиша.} , °C
	N	Si				
Винилморфолин- АК-КК	6,4	7	15	60	258	56
	5,9	9,8	21	56	276	61
	4,2	20,5	44	71	329	84
Винилморфолин- ММА-КК	5,8	4,6	10	67	200	71
	5,2	9,3	20	66	254	82
	4,4	14,9	32	57	279	102
Винилпиридин- АК-КК	7,0	5,1	11	70	214	62
	5,4	14,4	31	65	291	73
	4,2	21,4	46	76	259	78
Винилпиридин- АК-КК	6,7	5,6	12	74	194	52
	5,3	14	30	73	216	72
	3,8	23,3	50	70	229	81

1-жадвалдан кўришиб турибдики, синтез қилинган композитларнинг юқори термик барқарорлиги уларнинг таркибида уч ўлчамли структурага эга бўлган кремний диоксиднинг мавжуд бўлиши билан тушунтиралади. Органик

сополимерлар ва матрица - кремнизол асосидаги гибрид композитларнинг зол-гел усул билан шаклланиши ярим ўтказувчи полимер тўрларнинг ҳосил бўлиш натижасидир. Улар кимёвий боғланмаган, лекин занжирлари механик чатишиб кетгани сабабли бир-биридан ажралмайдиган чизиқли ва уч ўлчамли полимерлардан ташкил топади. Ярим ўтказувчи полимер тўрларнинг ҳосил бўлиши янги турдаги полимер материаллар олиш учун асос бўлиб хизмат қилиб, уларнинг хоссалари дастлабки компонентларнинг хоссаларидан кескин фарқ қилади. Динамик шароитда механик хоссаларнинг ўрганилиши текшириладиган системаларда ҳароратнинг ўзгариши ва компонентларнинг мослиги тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон беради. Композитлар таркибидаги органик ва кремнийли қисмларнинг ўзаро мослигини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин, яъни юқори ҳароратда узоқ вақт қайнатилганда ва концентрланган минерал кислоталар (хлорид, сульфат) билан таъсирлашганда фазага ажралиш кузатилмайди.

Синтез қилинган моддаларни тозалиги ва таркибини тақлиф этилаётган структурага мослигини текшириш ва идентификациялаш учун замонавий текшириш усулларидар бири ИҚ спектроскопиядан фойдаланилди (2-расм).



2- расм. Янги синтез қилинган VM-MMA-KK таркибли композитнинг ИҚ-спектри

Сополимерларнинг ИҚ спектрларида винил гуруҳига тегишли ютилиш чизиқлари полимерланишдан сўнг мавжуд эмас, лекин морфолин молекулаларидаги C–N боғининг валент тебранишлари $1315,45 \text{ см}^{-1}$ да, C–O–C гуруҳининг носимметрик валент тебранишлари эса $1089,78\text{--}1041,56 \text{ см}^{-1}$ соҳада кузатилади. Ҳалқадаги –CH₂– гуруҳининг $1454,33 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги қайчисимон тебранишлари ва $2750,49 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги –CH₂– гуруҳининг симметрик валент тебранишлари халқасининг тебраниш чизиқлари қолади. Шунингдек C=O нинг тебраниш чизиқлари карбоксил гуруҳи таркибидаги кислороднинг карбонил гуруҳига индуктив таъсири туфайли $1726,29 \text{ см}^{-1}$ соҳада ҳамда O–H нинг тебраниш чизиқлари эса $3425,58 \text{ см}^{-1}$ соҳада кузатилиб, улар сополимерда АК фрагментларининг мавжудлигини исботлайди. Композитларнинг ИҚ спектрларида Si–O–Si боғининг валент тебранишларига тегишли бўлган $794,96$

см^{-1} соҳада интенсив ютилиш чизиқлари намоён бўлиб, гель ҳосил бўлиш жараёнида чокланган уч ўлчамли кремнийли каркаснинг ҳосил бўлишни тасдиқлайди. Шу билан бирга морфолиндаги C–N ютилиш чизиғининг валент тебранишлари $1315,45 \text{ см}^{-1}$ дан юқори частотали $1429,82 \text{ см}^{-1}$ соҳага ва композит таркибидаги C=O нинг валент тебранишлари $1726,29 \text{ см}^{-1}$ дан $1628,81 \text{ см}^{-1}$ соҳага ўзига хос кўчиши кузатилади. ИҚ спектрларнинг бундай хусусияти куйидагича хулоса чиқаришга имкон беради, яъни композитларнинг шаклланиш жараёни морфолиндаги кислород атоми билан коллоид кремнизолнинг эркин силанол гуруҳларининг Вандер-Ваалс кучлари таъсирида координатсион бирикишидан иборат бўлади. Бу эса композитга термик, механик ва кимёвий барқарорлик каби хоссаларни ошишига сабаб бўлади. Бироқ ўзаро таъсирланишнинг бундай турини композитлар структурасини барқарорлаштиришнинг асосий омили деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки кремнизол кам сонли силанол гуруҳлари билан тавсифланади. Композитларнинг бундай (ярим ўтказувчи полимер тўрлар механизми бўйича) шаклланиши гибрид структураларнинг кенг қўлланилиш имкониятларини очади.


Синтез қилинган бирикмаларнинг ишлаб чиқаришда амалий қўлланилиши. Ҳозирги вақтда азот сақловчи сорбентларнинг қўлланилишига асосланган нодир ва рангли металлларни ажратиб олишнинг самарали ва тежамкор усуллари ривожланмоқда ва амалиётга жорий қилинмоқда. Ҳар хил азот сақловчи гуруҳларни: алифатик ва ароматик аминогуруҳлар, пиридин, пирозол ва бошқа қисмларни сақлаган ион алмашилиш ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар юқори сорбцион фаолликни намоён қилади. Бундай сорбентларнинг сорбцион сифими бир қатор омилларга, хусусан функционал гуруҳларнинг миқдори ва табиати, сорбцияланадиган ионнинг табиати, сорбцияланиш шароитларига боғлиқ бўлади.

Функционал гуруҳлардан ташқари, адсорбентларнинг эксплуатацион хусусиятлари сорбцион материалнинг тузилишига ҳам боғлиқдир. Органик-полимер ёки ноорганик матрицанинг табиати сорбентларнинг кимёвий ва механик барқарорлигини, шунингдек адсорбция жараёнининг кинетикасини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, берилган структурали ва кимёвий хоссали гибрид сорбцион материаллар катта устунликка эга.

Гибрид сорбцион материалларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларига осон таъсир кўрсатишга имкон берувчи усуллардан бири - ноорганик ва органик матрицалар иштирокида зол-гел синтези ҳисобланади. Зол-гел синтез маҳсулотлари юқори механик мустаҳкамлиги ва термик барқарорлиги билан ажралиб туради. Макромолекуласида азот атомларини сақлаган полимер бирикмалар нафақат металлларни ажратишнинг юқори самарадорлигини оширишга, балки гибрид материалларнинг техник хусусиятларини яхшилашга имкон беради.

Ҳосил бўлган катионитдаги ионоген гуруҳларнинг функционаллигини ва диссоцияланиш даражасини аниқлаш мақсадида айрим тортимлар усули билан потенциометрик титрлаш эгри чизиқлари олинди. Эритмаларнинг pH мувозанати pH метрда аниқланди, катионитнинг эритмалар билан ион алмашилиш муддати 7 кун. Катионитнинг потенциометрик титрлаш эгри

чизиғи рН қиймати ошиши билан ион алмашиниш қобилиятининг ортиб боришини кўрсатувчи монотоник пасайиш эгри чизиғи билан тавсифланади (3-расм).



3-расм. Катион алмашинувчининг потенциометрик титрлаш эгри чизиғи


1-винилморфолин-акрил кислота-коллоид кремнизол асосидаги ионит, 2-винилпиридин-акрил кислота-коллоид кремнизол асосидаги ионит, 3 -винилморфолин-метилметакрилат-коллоид кремнизол асосидаги ионит, 4-винилпиридин-метилметакрилат-коллоид кремнизол асосидаги ионит.

3-расмдан кўриниб турибдики, натрий гидрооксид билан таъсирлашиши унинг таркибидаги алмашиниш имконияти бор бўлган протонлар миқдорига боғлиқ бўлиб, акрил кислота билан ишкорнинг нейтралланишида ўз аксини топган. Акрил кислотадан фарқли равишда метилметакрилат билан олинган ионитларда эркин карбоксил гуруҳнинг йўқлиги унинг алмашиниш сиғимига таъсир этиб, потенциометрик титрлашда яққол кўзга ташланади. Ионитларнинг кимёвий муҳим хусусиятларидан бири ион алмашиниш қобилияти бўлиб у ионитнинг ишлаш қобилиятини характерлайди. Унинг қиймати асосан катионитнинг ионоген гуруҳлари сонига, уларнинг диссоцияланиш даражасига, рН қийматига, алмашинадиган ионларнинг табиати ва концентрациясига боғлиқ. Назарий жиҳатдан олинган катионит аламашинув сиғими қуйидаги формула билан ҳисобланди:

$$E_{\text{наз}} = \frac{1000}{a}, \text{ мг-экв/г}$$

бу ерда $E_{\text{наз}}$ – назарий алмашинув сиғими, мг-экв/г; a – олинган катионит мономерининг молекуляр массаси

Маълумки, катион алмаштиргичлар нисбатан кучсиз кислотали хусусиятларга эга бўлиб, рН=3 ва ундан паст бўлса эритмаларда диссоцияланмайди. Бу ҳосил қилинган катионит нейтрал тузларининг сувли эритмалари учун ион алмашиниш қобилиятининг йўқлигини ифодалайди. Эритманинг кислоталилиги пасайганда, протоннинг диссоцияланиш даражаси ошади, бунинг натижасида катион алмашинувчининг алмашиниш қобилияти ортади (4-расм). Олинган катионнинг алмашиниш сиғими 0,1н NaOH эритмасида аниқланди. Саноатда ион алмашиниш жараёнлари асосан динамик шароитда олиб борилиши ҳисобга олиниб, олинган катионитнинг динамик қуввати 0,1н NaOH эритмасини R-H шаклидаги 100мл бўккан ионит қатламидан ўтказиш орқали ҳам аниқланди. (2-жадвал).



4-расм. Олинган катионитнинг статик алмашиниш сиғимининг рН га боғлиқлиги.

- 1-винилморфолин-акрил кислота-коллоид кремнизол асосидаги ионит,
- 2-винилпиридин-акрил кислота-коллоид кремнизол асосидаги ионит,
- 3 -винилморфолин-метилметакрилат-коллоид кремнизол асосидаги ионит,
- 4-винилпиридин-метилметакрилат-коллоид кремнизол асосидаги ионит.

2-жадвал

Олинган катионитнинг алмашиниш сиғими

Ионит	Назарий алмашинув мг-экв/г	0.1н NaOH эритмасидаги статик алмашинув сиғими мг-экв/г	Динамик алмашинув сиғими мг-экв/г 0.1н ли NaOH эритмасидаги	Бўктирилган ионитнинг солиштирма ҳажми мл/гр	
				Н шаклида	Na шаклида
Н шаклдаги ионит	5,88	5,88-6,67	1496	3,58-3,89	5,1-5,56

Ион алмашинадиган полимерларда ионлар алмашинуви бўккан ионит доналаридан ва электролит эритмасидан ташкил топган гетероген тизимларда боради. Эритмадаги ионит ионларининг қарши ионлар билан тўлиқ алмашиш қобилияти, унинг функционал гуруҳлари ва кўп жихатдан ионитнинг бўкиш қобилиятига боғлиқ. Бўкишни асосан агентнинг миқдори ва боғланиш даражаси белгилайди. Акрил кислота миқдори ортиши билан ўзаро боғланиш даражаси ошади ва шунга боғлиқ равишда бўкиш ҳам камаяди (3-жадвал). Бундан ташқари бўкувчанлик ионитнинг табиатига, ионит таркибидаги ионоген гуруҳлар сонига боғлиқ. Ионит матрицаси қанча кўп ион алмашадиган гидрофил гуруҳ сақласа бўкиш шунча кўп ортади. Ионитларда бўкиш ион катионитнинг типига боғлиқ, чунки катионит кучсиз кислотали бўлиб, R-H типидagi полимердаги функционал гуруҳларнинг диссоцияланиш даражаси жуда кичик. Ионит фазасида матрица онларининг осмотик босими ва электростатик итариш паст бўлади, бунинг натижасида R-H шаклидаги бу ионитларнинг бўкиш қобилияти камаяди. Ионитнинг туз шаклига ўтиши билан ионлар концентрацияси ошади, бу эса катионит бўкишининг кучайишига олиб

келади. Катионитнинг водород ва туз типда диссоцияланиш даражаси ҳар хил бўлганлиги учун ионит фазасидаги сувнинг энергияси ҳам турлича. Ушбу фарқ винилморфолин ва акрил кислота асосидаги синтезланган турли типдаги катионитларни бўқиш жараёнини ўрганишда тасдиқланди.

3-жадвал

Катионитнинг асосий хоссалари

№	Ионитнинг хоссалари	Катион тури:		
		Винилмор- фолин- акрил кислота-КК	Винилпири- дин –АК-КК	Назорат- КБ-4
1.	Умумий масса, г/мл	0,6	0,78	0,6-0,55
2.	Ионитнинг сувда бўккан солиштира ҳажми, мл/г			
	R-H шакл	3,58-3,82	2,51	2,53-2,28
	R-Na шакл	5,1-5,51	3,48-4,1	4,1-4,25
3.	Ионоген гуруҳлар	-COOH, -H	-COOH, -H	-COOH
4.	0,1н. ли NaOH эритмасида статик ион алмашилиш сифими мг-экв/г	5,82-6,4	4,6-6,8	4,4-5,0
5.	Статик сифим 0,1н.ли MgCl ₂ эритмасида			
	R-H тип, мг-экв/г	3,2-3,0	2,8	2,8-3,0
	R-Na тип, мг-экв/г	4,5-5,0	3,8-4,0	4,2-4,5
6.	Статик сифим 0,1н.ли CaCl ₂ эритмасида			
	H-шакл, мг-экв/г	3,5-4,2		3,2-4,0
	Na шакл, мг-экв/г	6,0-6,5		6,2-6,6
7.	Статик сифим 0,1н.ли CuSO ₄ эритмасида CuSO ₄ , (C _{даст} = 1 г/л)	2,8-3,0	1,62	2,1-1,8
	R-Na тип, мг-экв/г			
8.	Статик сифим 0,1 н. ли NiSO ₄ эритмасида NiSO ₄ (C _{даст} = 1 г/л)	2,6-2,8	1,08	2,6-3,0
	R-Na тип, мг-экв/г			
9.	Механик мустаҳкамлик %	95-98	96-98	96-98

3-жадвалда ҳосил қилинган катионитнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган. Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, олинган катионит мис, никел, кальций ва магний ионлари учун сорбцион хусусиятлари анча яхши кўрсаткичларига эга. Шу нуқтаи назардан, олинган карбоксил катионит томонидан бу ионларнинг сорбцияланиши муҳитнинг рН даражасига ва ионитнинг ион шаклига қараб ўрганилди. Олинган R-H ва R-Na типдаги катионитда магний, кальций, мис ва никел ионларининг дастлабки концентрацияси 1г/л бўлган ионларнинг сорбцияси тадқиқ қилинди. Кучсиз кислотали катионитнинг алмашилиш қобилиятига таъсир қилувчи муҳим омил бу муҳитнинг рН даражасидир.

Ишлаб чиқилган катионитга металл ионларининг сорбциясини ўрганиш. Полимер катионитлар орасида Н типдаги катионитлар алоҳида ажралиб туради, чунки уларда металллар ва органик моддаларни танлаб сорбциялаш ҳамда турли соҳаларда қўллаш имконияти мавжуд. Ушбу катионитнинг ўзига хослиги муҳитнинг рН қийматига алмашадиган ионларнинг валентлигига боғлиқдир. Ионитнинг асосий кимёвий хоссаларидан ион алмашинув сиғими катта эканлиги амалий аҳамиятга эга бўлиб, у ионитнинг ишлаш хусусиятларини баҳолаш учун тавсифланади. Унинг қиймати асосан ионитнинг ионоген гуруҳлари сонига, уларнинг диссоцияланиш даражасига, шунингдек алмашинадиган ионларнинг табиати ва концентрациясига боғлиқ. Карбоксил катионитнинг ион алмашилиш қобилиятининг қиймати асосан эритмадаги водород ионлари ва бошқа катионларнинг концентрацияси билан белгиланади.

4-жадвал

Карбоксил катионит ёрдамида баъзи металллар ионларининг сорбцияси.

№.	Ўрганилаётган ионларнинг дастлабки концентрацияси, $C_{\text{даст}}=1\text{г/л}$	R-H тип,	R-Na тип,
1.	Магний хлорид	3,11 – 3,21	4,48 – 4,95
2.	Кальций хлорид	3,53 – 4,27	5,98 – 6,61
3.	Никель сульфат	1,81 – 2,09	2,23 – 2,48
4.	Мис сульфат	2,28 – 2,65	3,3 – 3,71

Акрил кислота ва винилморфолин асосидаги карбоксил катионитда катионитнинг ион шаклига қараб унинг айрим металллар ионлари учун сорбцион хоссалари ўрганилди. 4-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, R-Na типдаги (туз) қўлланиладиган катионит ўрганилаётган ионларга R-H типдаги ионитга нисбатан юқори сорбцияга эга, бу эса шу вақтгача яратилган қонуниятларга мос келади. Маълумки, алмашинувчи гуруҳлар кучсиз кислотали хусусиятларга эга ва $\text{pH}=3$ ва ундан паст бўлган эритмаларда ажралмаган ҳолатда бўлади.

5-жадвал

Баъзи металллар ионларини муҳитнинг рН га қараб катионит сорбцияси ($C_{\text{даст}}=1\text{г/л}$)

Металл ионлари		Сорбцияланган	
		pH=5,6	pH=11
Кальций	Na -форма	3,5-4,1	6,1–6, 5
	H-форма	3,0 –3,5	3,9 –4,3
Магний	Na -форма	2,6 – 2, 8	4,5 – 4,8
	H-форма	1,4 – 1,6	2,1 – 2,2
Мис	Na -форма	3,08 – 3,55	4,1– 4, 5
	H-форма	2,1 – 2,5	2,6 – 3,0
Никель	Na -форма	2,12– 2,8	3,4 – 4,0
	H-форма	1,7 – 1,8	3,2 – 2,8


Эритманинг рН қиймати ошиши билан карбоксил гуруҳларнинг диссоцияланиш даражаси ортади, бунинг натижасида карбоксил катионитнинг алмашилиш қобилиятининг қиймати ошади. 5-жадвалда муҳитнинг рН қийматига қараб кальций, магний, мис ва никел ионларини сорбциялаш натижалари кўрсатилган. 5-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, олинган катион алмашинувчи ўрганилаётган металлларнинг Na кўринишидаги ионларини кучсиз кислотали ва ишқорли эритмалардан анча яхши сўриб олади. Статик алмашилиш сиғимидан ташқари, мис ионларининг динамик шароитда сорбцияси ҳам ўрганилди, бу катион алмашинувчининг ион шаклига, оқим тезлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Na-шаклида бир хил оқим тезлигида мис ионларининг сорбция қобилияти H-шаклига қараганда каттароқдир, яъни тегишли тартибда 170,6 мг/г ва 148 мг/г га тенг. Ютилган мис ионларининг десорбцияси ионит қатлами орқали сўрилган мис ионларига сульфат кислотанинг икки нормал эритмаси орқали амалга оширилди. Мис ионларининг десорбцияси 92% ни ташкил этди. Баъзи металл ионларининг сорбциясини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар, олинган катионитдан ушбу металл ионларини турли хил сувлардан сорбциялаш жараёнларида фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

Сополимерларнинг олиниш технологияси. Гибрид ионитнинг олинишнинг биринчи босқичи радикал полимерланишга асосланган бўлиб бунда инициатор иштирокида олигомерлар синтез қилинади. Сўнг олинган олигомер ва коллоид кремнизол матрицалигида гибрид ионит яратилади (5- расм). Технологик схемада реактор (3) га, 3 та сиғим (6) орқали маҳсулотлар дозаторлар (4) орқали қуйиб турилади. Биринчи сиғимда акрил кислота, иккинчи сиғимда винил морфолин ва учинчи сиғимда эса эритувчига солиб тайёрланган инициатор ДАК солинган. Дозаторлар керакли миқдордаги моддаларни реакторга қуйгандан сўнг реактордаги аралашмалар аралаштиргич (1) ёрдамида аралаштириб турилади ва керакли ҳарорат ҳосил қилинади. Маълум вақтдан сўнг олинган сополимернинг керакли миқдори иккинчи реакторга юборилади ва унга дозатор (4) керакли коллоид кремнизолни қуйгандан сўнг аралаштиргич (1) ёрдамида аралаштириб керакли ҳарорат берилади.

6-жадвал

Маҳсулот сарфи учун материаллар баланси

Юкланди	
Хомашё номи	кг
Морфолин	125
Карбит	500
Калий гидроксид	10
ДАК	0,1
Акрил кислота	25
Коллоид кремнизол	800
ЖАМИ:	1460



1-Механик аралаштиргич; 2-насос; 3-реактор; 4-дозатор; 5-элеватор; 6-сигим; 7-гранулятор; 8-кадоқлагич

5-расм. Гибрид ионитнинг олиниш технологияси.

Олинган композицион аралашма ПБК билан аралаштирилиб насос (6) ёрдамида гранулятор (7) га юборилади ва гранулаланган тайёр махсулот элеватор (5) га ундан кейин эса қадоқлаш апаратыга юбориб қадоқланади. 1000 кг ионит ишлаб чиқариш учун хомашё, материаллар сарфи ва материал баланси б-жадвалда келтирилган.

Олиб борилган реакцияларда унумнинг 68-70 % атрофида бўлиши сабабли 1400 кг хом-ашёдан 1000 кг ионит олинади. Ҳисоблашлар асосида энг арзон ионитга нисбатан 1 тоннаси учун 1600 000 сўм арзон бўлиб, агар битта сувни юмшатиш калоннасида 8 тонна ионит юкланса битта калонна учун 12 800 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Коллоид кремнизол асосида зол-гел синтези билан ВПир-ММА, ВПир-АК, ВМ-АК, ВМ-ММА сополимерлари иштирокида органик-ноорганик гибрид композитлар олинди.

2. Композитлар структурасига органик сополимерлар мустаҳкам жойлашган уч ўлчамли кремний диоксиддан шаклланганлиги ҳисобидан уларнинг юқори термик ва кимёвий барқарорлигини таъминлаши, системада коллоид кремнизол миқдори кўпайганда уларнинг шишаланиш ва парчаланиш ҳароратларини ошириши аниқланди.

3. ДМФА эритмасида радикал сополимерланиш билан ВПир-ММА, ВПир-АК, ВМ-АК, ВМ-ММА системали янги сополимерлар 60⁰С да инициатор иштирокида 6 соат давомида 70% унумга эришилди, бунда, гетерохалқали мономерлар уларнинг сомономерларига нисбатан юқори реакцион қобилиятни намоён қилиши ва унумга ВМ миқдорининг таъсир этиши аниқланди.

4. ВПир-ММА, ВПир-АК, ВМ-АК, ВМ-ММА ва КК асосидаги гибрид композитлар кислотали ва ишқорий муҳитда кальций, магний, мис, никел ва темир ионларига нисбатан юқори сорбцион фаолликни намоён қилиб, сорбцион сифимнинг ва фазалараро тақсимланиш коэффицентининг энг катта қийматлари ВМ-АК-КК системасида карбоксил ва гидроксил гуруҳлар ҳисобига намоён бўлиши, статик сорбцион ютиш коэффиценти 1,24 марта, механик мустаҳкамлиги эса 1,22 мартага яхшиланганлиги аниқланди.

5. Синтез қилинган азот сақловчи сополимерлар коллоид кремнизол билан гидролитик поликонденсатланиш махсулотлари асосида катион ўтказувчи материаллар хоссасига эга бўлган янги гибрид композитнинг олиниш технологияси ишлаб чиқилиб, 1 тонна ионит учун самарадорлик 1 600 000 сўмни ташкил этиши асосланди.

6. ВМ-ММА-КК ва ВМ-АК-КК сополимери асосидаги композитлар металлларнинг ионларини адсорбциялаш механизмининг ҳарорат билан ўзгариши аниқланиб, «Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси марказий илмий тадқиқот лабораторияси» да синовдан ўтказилганда мис, алюминий, никел каби ионларни сорбцион ютиш қобилияти ва механик мустаҳкамлиги юқорилиги, шунингдек, фаол муҳитларда ўзининг реакцияга киришмаслиги билан ажралиб туриши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ОСТОНОВ ФИРУЗ ИСТАМ УГЛИ

**ПОЛУЧЕНИЕ, СВОЙСТВА И ТЕХНОЛОГИЯ ГИБРИДНЫХ
КОМПОЗИТОВ НА ОСНОВЕ КРЕМНЕЗОЛЯ И (ОЛИГО)ПОЛИМЕРОВ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2022.2.PhD/T2783.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещён на веб-странице научного совета по адресу <http://www.tkti.uz> и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ахмедов Вохид Низомович
кандидат технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Адилов Равшан Иркинович
Доктор технических наук, профессор

Уринов Улутбек Комилджонович
Доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится 13 03 2023 г. в 9⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 431 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан 14 02 2023 года.
(протокол рассылки № 506 от 14 02 2023 г.).



С.М.Туробджонов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор


Г.Р.Рахмонбердиев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире наблюдается высокий рост производства импортозамещающих композиционных материалов с участием веществ с различными химическими свойствами. В настоящее время применяется технология получения композиционных материалов на основе смесей химических веществ с низкой термостойкостью. В связи с этим актуально создание технологии производства композиционных материалов на основе синтеза органических и неорганических гибридных ионитов, обладающих высокой термостойкостью, радиационной и механической стойкостью.

Сегодняшнее время ведутся научные исследования по созданию материалов на основе диоксида кремния, группы органо-неорганических композитов золь-гель методом с участием коллоидного кремнезема и органических соединений. В связи с этим одной из важных задач является разработка технологии получения ионита на основе синтеза золя кремния и (олиго)полимеров, позволяющая повысить механическую прочность и термостойкость материалов со структурно-механическими, магнитными, оптико-электронными свойствами.

